



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 18 » декабрь

ПФ–254 -son

Капитал бозорида инвестиция муҳитини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Капитал бозорини янада ривожлантириш, янги инвестиция маҳсулотларини жорий этиш, капитал бозорига қўшимча инвестициялар, шу жумладан, маҳаллий инвесторларнинг хорижий валютадаги пул маблағларини жалб қилишни рағбатлантириш, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2030 йилга қадар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) замонавий молиявий инструментларни жорий этиш орқали фонд бозорига 1 млрд АҚШ доллари, шу жумладан, 5 трлн сўмлик корпоратив облигациялар чиқарилиши ҳисобига қўшимча инвестицияларни жалб қилишга эришиш;**
- (б) капитал бозори иштирокчиларининг инвестициялари хавфсизлигини кафолатловчи механизмларни жорий этиш ҳисобига бартараф этиладиган ҳуқуқбузарликлар улушини 85 фоиздан ошириш;**
- (в) капитал бозори иштирокчилари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда молиявий ҳисоботлар, корпоратив ҳаракатлар ва муҳим фактларни мажбурий ошкор этиш даражасини 95 фоизга етказиш.**

II. Капитал бозорида янги молиявий инструментларни жорий этиш

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон қарорига мувофиқ капитал бозорида жорий этилган **“Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими** (кейинги ўринларда – Тартибга солиш қумдони) **чекланмаган муддатга амал қилади.**
3. Капитал бозорида Тартибга солиш қумдони доирасида қуйидаги **ҳуқуқлар берилсин:**
 - (а) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан Тартибга солиш қумдони иштирокчиси мақомини олиш. Бунда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) қимматли қоғозлар бозори соҳасида сўнгги икки йилда қонун ҳужжатларини бузган **шахсларга ушбу мақомни беришни рад этишга ҳақли;**
 - (б) Ўзбекистон Республикаси резидент-эмитентларининг **корпоратив облигациялари номинал қийматини хорижий валютада ифодалаш** ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган фонд биржасининг (кейинги ўринларда – фонд биржаси) тегишли майдончасида жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ **тўловлар ва ҳисоб-китобларни ҳам хорижий валютада амалга ошириш;**
 - (в) **чет эллик иштирокчиларга, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга, шу жумладан, инвестиция фондларига** улар томонидан чиқарилган ва уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларга нисбатан **кастодиал ва номинал сақлаш хизматларини** кўрсатиш;
 - (г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган инвестиция воситачиларига (кейинги ўринларда – инвестиция воситачиси) **чет эл инвестиция воситачилари, банклари, кастодианлари, савдо майдончалари, лицензияланган инвестиция платформалари, тан олинган чет эл юрисдикцияларининг халқаро ва миллий марказий депозитарийларида** чет эл қимматли қоғозлари олди-сотдиси ва улар билан операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида пул ва депозитар ҳисобварақлар очиш;

(д) Агентлик томонидан белгиланадиган рўйхатга асосан хорижий биржа индексларига киритилган акциялар, хорижий компанияларнинг облигациялари ва давлат облигациялари, савдо қилинадиган биржа фондлари (ETF), индекс фондларининг қимматли қоғозлари ҳамда хорижий компанияларнинг депозитар тилхатлари бўйича савдоларни ташкил этиш. Бунда ушбу молиявий инструментлар бўйича:

(i) савдолар фонд биржаси ёки инвестиция воситачиси томонидан фонд биржасининг тегишли майдончасида ёки инвестиция воситачисининг электрон платформасида ташкил этилади;

(ii) уларнинг ҳажмлари Марказий банк билан келишган ҳолда Агентлик томонидан тасдиқланади;

(ж) юридик шахсларга банклардан номинал қиймати чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлаш ва мажбуриятларни бажариш учун Агентлик томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш ҳужжатининг нусхасига мувофиқ зарур ҳажмдаги чет эл валютасини сотиб олиш;

(з) эмитентларга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ўз капитали миқдоридан ортиқ бўлган корпоратив облигацияларни таъминотсиз чиқариш.

III. Капитал бозорида инвестиция имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари

4. Марказий банк ва Агентликнинг биржа котировкаси варағига киритилган қимматли қоғозларни кредит операцияларини ва РЕПО операцияларини ўтказишда таъминот сифатида қабул қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда эмитент ёки қимматли қоғознинг Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингидан кўпи билан икки поғона паст бўлган халқаро кредит рейтинги ёки миллий рейтинг шкаласи бўйича унинг эквиваленти мавжуд бўлган тақдирда, улардан таъминот сифатида фойдаланишга рухсат этилади.

5. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг ижобий кўрсаткичларини ҳисобга олмаган ҳолда, шунингдек, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтидаги эмитентнинг барча мажбуриятларининг ўз капиталига нисбати Агентлик томонидан белгиланадиган нормативга мувофиқ бўлган тақдирда ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда таъминотсиз ўз капитали миқдоридан ортиқ корпоратив облигацияларни чиқаришга рухсат берилади.

6. Қўйидагилар:

- (а) Қимматли қўғозлар бозорида **профессional фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талаблари** ва шартлари 1-иловага мувофиқ;
- (б) Фонд биржаси ва қимматли қўғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси **фаолиятини амалга ошириш** учун лицензия талаблари ва шартлари 2-иловага мувофиқ;
- (в) Хабардор қилиш тартибида инвестиция маслаҳатчиси **фаолиятини ташкил этиш** талаблари ва шартлари 3-иловага мувофиқ;
- (г) “Тартибга солиш қўмдони” махсус ҳуқуқий режими доирасида **чет эл валютасидаги қимматли қўғозлар билан операциялар бўйича чет эл валютасида ҳисоб-китоблар** ва тўловларни амалга ошириш қоидалари 4-иловага мувофиқ;
- (д) Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан ахборот тизимлари орқали **электрон маълумот алмашадиган** вазирлик ва идораларнинг рўйхати 5-иловага мувофиқ;
- (ж) “Тартибга солиш қўмдони” махсус ҳуқуқий режими доирасида фонд биржасининг тегишли майдончасида ва инвестиция воситачисининг электрон платформасида **молиявий инструментлар савдосини ташкил этишга рухсат бериш** ва уларнинг муомалада бўлишини **ташкил этишнинг асосий қоидалари** 6-иловага мувофиқ;
- (з) Давлат рўйхатидан ўтказишда ҳужжатларни кўриб чиққанлик учун қимматли қўғозлар эмитентлари томонидан **тўланадиган йиғимлар** миқдорлари 7-иловага мувофиқ;
- (и) Капитал бозори иштирокчилари **фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш** мақсадида уларга қўйиладиган алоҳида талаблар ва қоидалар 8-иловага мувофиқ;
- (к) Капитал бозорини янада ривожлантириш ва **инвестициялар хавфсизлигини кафолатлашга** оид қўшимча чора-тадбирлар 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

- 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- 8. Агентлик ва Марказий банк манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

- (а) қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;
- (б) қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.
9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р. Ли ва Марказий банк раиси Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.
10. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни
амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари**

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги лицензия талаблари ва шартлари амал қилади:

- (а)** қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- (б)** лицензия фаолиятининг ҳар бир кичик тури бўйича пул маблағи кўринишида шакллантирилган устав капиталининг энг кам миқдори тўғрисидаги қуйидаги талабларга мувофиқлигини таъминлаш:
 - (i) 2026 йил 1 июлдан бошлаб** – базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда – БҲМ) **3 000 бараваридан кам бўлмаган** миқдорда;
 - (ii) 2027 йил 1 июлдан бошлаб** – БҲМнинг **4 000 бараваридан кам бўлмаган** миқдорда;
 - (iii) 2028 йил 1 июлдан бошлаб** – БҲМнинг **6 000 бараваридан кам бўлмаган** миқдорда.

Бунда лицензияланадиган профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришда устав капиталининг энг кам миқдори тўғрисидаги талаблар жамланган ҳолда қўлланилади;

- (в)** лицензия талабгорининг устав капитали ва бошқа молиявий кўрсаткичлари етарлилигини, шунингдек, лицензия берувчи орган томонидан белгиланган мажбурий нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;
- (г)** дастурий таъминот ва техник воситаларнинг инвестиция воситачиларининг дастурий-техник комплексларига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги ҳамда қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари, фонд биржаси ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) билан электрон ўзаро ҳамкорликка тайёрлиги тўғрисида Марказий депозитарийсининг хулосаси;

- (д)** қимматли қоғозлар билан операцияларнинг ички ҳисобини юритиш вазифаси юклатилган камида битта ходимнинг бўлиши ҳамда ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилган камида битта ходим (назоратчи) мавжудлиги;
- (ж)** қуйидаги шахслар лицензиатнинг раҳбари бўлиши мумкин эмас:
- (i)** молия-иқтисод, юридик, математика ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан камида биттаси бўйича олий маълумотли бўлмаган шахслар;
 - (ii)** қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган шахслар;
 - (iii)** якка тартибдаги ижро этувчи орган вазифасини бажарган, коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси, фонд биржаси, кредит, суғурта ёки аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари бўлган шахсларнинг айби билан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги сабабли, мазкур юридик шахснинг фаолият турини амалга ошириш учун берилган лицензияси амал қилиши тўхтатилган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса;
 - (iv)** иқтисодий жиноятлар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, коррупция ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса;
- (з)** лицензиатнинг мутахассислари, мансабдор шахслари ва назоратчисининг лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган малака талабларига мувофиқлиги;
- (и)** ўзининг дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда, муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- (к)** атайин нотўғри маълумотларни тарқатиш (тақдим этиш) йўли билан ваколатли орган ва инвесторларни чалғитмаслик, қимматли қоғозлар бозорида нархларга доир манипуляция қилишга йўл қўймаслик;

- (л) қўйидаги шахслар лицензия эгаси ва (ёки) охирги бенефициар мулкдор сифатида лицензия эгасининг устав капиталида иштирок этишига йўл қўйилмайди:
- (i) ушбу илованинг “ж” бандида кўрсатилганлар;
 - (ii) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда доимий яшовчи, жойлашган ёки рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, шу давлатларда рўйхатдан ўтган компаниялар;
- (м) лицензия эгасининг устав капиталидаги улушларни жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, норезидентларга реализация қилишни лицензия берувчи орган билан келишиш;
- (н) лицензиатнинг раҳбарияти (директори ва унинг ўринбосарлари) алмашишини лицензия берувчи орган билан келишиш.

Изоҳ:

1. Лицензия талаблари ва шартлари 2026 йил 1 июлдан кучга киради.
2. Амалда фаолият кўрсатаётган инвестиция воситачилари 2026 йил 1 июлга қадар мазкур иловада назарда тутилган талабларга, шу жумладан, ўз маблағлари миқдорлари бўйича талабларига риоя этишлари шарт.

**Фонд биржаси ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси
ташкilotчиси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия
талаблари ва шартлари**

Фонд биржаси ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдолари
ташкilotчисининг фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги лицензия
талаблари ва шартлари амал қилади:

- (а)** биржа фаолиятини амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бозори
соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- (б)** ишлаб турган электрон биржа савдо тизими мавжудлиги;
- (в)** тузилган биржа битишувлари бажарилишининг кафолатланиши тизими
мавжудлиги;
- (г)** қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг махфийлигини
таъминлаш;
- (д)** қуйидагиларни назарда тутувчи биржа савдоси қоидаларининг
мавжудлиги:
 - (i)** биржа аъзоларининг биржа савдоларига қўйилиши;
 - (ii)** қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида
инвестиция воситачиси ёки инвестиция активларининг ишончли
бошқарувчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш
ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган биржа аъзоларининг фонд
биржасида (фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржаларнинг
ҳам) биржа савдоларига қўйилиши;
 - (iii)** биржа товарларига нархлар котировкаси ва улар тўғрисидаги
ахборотни ошкор қилиш тартиби;
 - (iv)** нархлар билан манипуляция қилиш ва махфий ахборотдан қонунга
хилоф равишда фойдаланишга йўл қўймаслик;
- (ж)** устав фондини базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 800 бараваридан кам
бўлмаган миқдорда пул маблағи кўринишида шакллантириш;

- (з)** филиаллар мавжуд бўлган тақдирда, биржанинг барча аъзоларига ушбу савдоларда бир вақтнинг ўзида қатнашиш имкониятини берган ҳолда марказлаштирилган биржа савдоларини ўтказиш;
- (и)** биржа товарларига талаб ва таклиф нисбати асосида уларга котировкани амалга ошириш;
- (к)** ахборотни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш;
- (л)** лицензияловчи органнинг талабига кўра биржа фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотни беғараз асосда тақдим этиш;
- (м)** биржа савдоларини фақат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча биржа аъзолари бир пайтда ва тенг киришини таъминловчи электрон тизимда ўтказиш;
- (н)** қуйидаги шахсларнинг лицензиатга раҳбарлик қилишига йўл қўймаслик:
 - (i)** молия-иқтисод, юридик, математика ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан камида биттаси бўйича олий маълумотли бўлмаган шахслар;
 - (ii)** қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган шахслар;
 - (iii)** якка тартибдаги ижро этувчи орган вазифасини бажарган, коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси, фонд биржаси, кредит, суғурта ёки аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари бўлган шахсларнинг айби билан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги сабабли, мазкур юридик шахснинг фаолият турини амалга ошириш учун берилган лицензияси амал қилиши тўхтатилган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса;
 - (iv)** иқтисодий жиноятлар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, коррупция ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса;

- (о) фонд биржасининг ижроия органи ва унинг тузилмавий бўлинмалари раҳбари I тоифали қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлиши;
- (п) уларнинг номидан қимматли қоғозлар билан операцияларни, қимматли қоғозлар бозорида хизмат кўрсатиш ва (ёки) ишларни амалга ошириш бўйича мажбуриятга эга бўлган фонд биржасининг II тоифали ходимлари, қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномасига эга бўлиши;
- (р) лицензия эгаси ва (ёки) охирги бенефициар мулкдор сифатида лицензия эгасининг устав капиталида қўйидаги шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги:
 - (i) ушбу илованинг “н” бандида кўрсатилганлар;
 - (ii) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда доимий яшовчи, жойлашган ёки рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, шу давлатларда рўйхатдан ўтган компаниялар;
- (с) лицензия эгасининг устав капиталидаги улушларни жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, норезидентларга реализация қилишни лицензия берувчи орган билан келишиш;
- (т) лицензиатнинг раҳбарияти (директор ва унинг ўринбосарлари) алмашишини лицензия берувчи орган билан келишиш.

Изоҳ:

1. Лицензия талаблари ва шартлари 2026 йил 1 июлдан кучга киради.
2. Амалдаги лицензиатлар 2026 йил 1 июлга қадар мазкур иловада назарда тутилган талабларга риоя этишлари шарт.

Хабардор қилиш тартибида инвестиция маслаҳатчиси фаолиятини ташкил этиш талаблари ва шартлари

Хабардор қилиш тартибида инвестиция маслаҳатчиси фаолиятини ташкил этиш учун қуйидаги талаблар ва шартлар амал қилади:

- (а)** 50 млн сўмдан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағлари (капитали) мавжудлиги;
- (б)** қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва фонд биржалари билан ўзаро электрон алоқага тайёрлиги;
- (в)** хабардор қилувчида қимматли қоғозлар билан операцияларнинг ички ҳисобини юритиш вазифасини бажарувчи камида битта ходимнинг бўлиши ҳамда ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш вазифасини бажарувчи камида битта ходим (назоратчи) бўлиши;
- (г)** қуйидаги шахслар хабардор қилувчининг раҳбари бўлиши мумкин эмас:
 - (i)** молия-иқтисод, юридик, математика ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан камида биттаси бўйича олий маълумотли бўлмаган шахслар;
 - (ii)** қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган шахслар;
 - (iii)** иқтисодий жиноятлар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, коррупция ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса;
 - (iv)** юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса, якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган шахслар;

(д) хабардор қилувчининг мутахассислари, мансабдор шахслари ва назоратчисининг ваколатли орган томонидан тасдиқланган малака талабларига мувофиқлиги;

(ж) ўзининг дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг мавжудлиги.

Изоҳ:

- 1. Талаблар ва шартлар 2026 йил 1 июлдан кучга киради.*
- 2. Амалдаги инвестиция маслаҳатчилари 2026 йил 1 июлга қадар мазкур иловада назарда тутилган талабларга риоя этишлари шарт.*

“Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими доирасида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича чет эл валютасида ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш қоидалари

Мазкур қоидалар тижорат банклари томонидан капитал бозори соҳасида “Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими (кейинги ўринларда – Тартибга солиш қумдони) доирасида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича чет эл валютасидаги пул маблағлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) Тартибга солиш қумдони иштирокчиларининг қуйидаги операциялари бўйича чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларни агент–банк орқали амалга оширади:
 - а) Тартибга солиш қумдони иштирокчилари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан чиқариладиган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган корпоратив облигацияларининг жойлаштирилиши, муомалада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ ҳисоб-китобларни;
 - б) Тартибга солиш қумдони иштирокчилари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари – эмитентларнинг қимматли қоғозлари билан фонд биржаларининг махсус майдончаларидаги битимлар натижалари бўйича чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларни.
2. Тартибга солиш қумдони доирасида чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг эмитентлари ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлаш ва мажбуриятларни бажариш учун чет эл валютасини чекловларсиз сотиб олиш ҳуқуқи берилади.
3. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш учун жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари нақд чет эл валютасини инвестиция воситачисининг алоҳида (сегрегация қилинган) банк ҳисобварағига киритади ёки чет эл валютасидаги маблағларни ўз банк ҳисобварақларидан инвестиция воситачисининг алоҳида (сегрегация қилинган) банк ҳисобварағига ўтказди.

Инвестиция воситачилари томонидан жисмоний шахслардан нақд пул маблағларини кассаларда ёки нотариус орқали қабул қилиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш учун маблағларни фақат банк ўтказмалари орқали инвестиция воситачиларининг алоҳида (сегрегация қилинган) банк ҳисобварақларига ўтказади. Бунда чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш учун фақат товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қилишдан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган чет эл валютасидаги ўз маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

4. Инвестиция воситачилари келиб тушган чет эл валютасидаги маблағларни шартномаларда белгиланган муддатларда Марказий депозитарийнинг агент–банк очилган валюта ҳисобварағига ўтказиб беради.

Инвестиция воситачилари чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун Марказий депозитарийнинг агент–банкида алоҳида банк ҳисобварағи очади.

Марказий депозитарий фонд биржасининг махсус майдончасида хорижий валютадаги қимматли қоғозлар савдолари якунлари бўйича клирингни ва ҳисоб-китобларни амалга оширади, шунингдек, хорижий валютадаги пул маблағларини махсус майдончадаги битимлар учун назарда тутилган ҳисоб-китоблар санасидан кечиктирмай инвестиция воситачилари, эмитентлар ёки қимматли қоғозларни сотувчиларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақларига ўтказиб беради.

5. Эмитентлар – Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари хорижий валютадаги корпоратив облигацияларнинг қийматини сўндириш ва улар бўйича даромадларни тўлаш учун хорижий валютадаги маблағларни Марказий депозитарийнинг агент–банкда очилган банк ҳисобварағига кейинчалик инвесторларга даромадларни марказлашган ҳолда тўлаш учун ўтказиб беради.
6. Корпоратив облигациялар қийматини сўндириш ва улар бўйича даромадларни инвестор-резидентларга тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади.

**Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан ахборот тизимлари орқали
электрон маълумот алмашадиган вазирлик ва идораларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Электрон алмашинадиган маълумотлар	Муддати	Маълумотларни тақдим этадиган идоралар
1.	а) юридик шахснинг номини ўзгариши; қайта ташкил этилиши; фаолияти тугатилиши; рўйхатдан ўтказиш санаси; устав фонди миқдори; манзили (жойлашган жойининг ўзгартирилиши); б) корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри; филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва (ёки) тобе компаниялари рўйхатидаги ўзгаришлар; эмитент акцияларининг (улушлари, пайлари) 10 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар; Кузатув кенгаши ва (ёки) ижроия органи аъзоларининг эмитент акцияларига эгаллик қилиш улуши ўзгариши; в) акциядорлар тўғрисидаги маълумотлар (акциядорларнинг умумий сони ва рўйхати, шу жумладан, норезидентларнинг мавжудлиги); г) шахснинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар; д) фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун берилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил январь	Адлия вазирлиги
2.	Мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил январь	Мажбурий ижро бюроси
3.	Фаолиятни тўхтатиш; молиявий ҳисобот (БҲМС, МҲХС); баланс ҳисоботлари; банк ҳисобварақлари хатланиши; қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисоблаш; эмитентга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилини жорий этиш; юридик шахснинг раҳбари ва бухгалтери тўғрисидаги маълумотлар (ЖШШИР, Ф.И.О., лавозими, манзили, телефон рақами); юридик шахс — эмитентнинг битимлари тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил январь	Солиқ қўмитаси

T/p	Электрон алмашинадиган маълумотлар	Муддати	Маълумотларни тақдим этадиган идоралар
4.	қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўзгариши; жойлаштирилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар (тури, ҳажми, эмитенти, санаси).	2026 йил февраль	Марказий банк, Марказий депозитарий
5.	Юридик шахсларнинг мавжуд кредитлари тўғрисидаги маълумотлар; шахснинг кредит тарихи ва микроқарзлари тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил февраль	Марказий банк, Ўзбекистон банклар уюшмаси
6.	Жисмоний шахслар – акциядорларнинг олдинги даврлардаги маъмурий ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О., ЖШШИР, паспорт маълумотлари, манзили, ишнинг ноёб рақами/ қарорга бериладиган идентификациялаш рақами).	2026 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги
7.	Шахсий маълумотлар (Ф.И.О., ЖШШИР, паспорт маълумотлари, яшаш манзили).	2026 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги
8.	Юридик шахс раҳбари тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил февраль	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
9.	Юридик шахслар кузатув кенгашининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил март	Давлат активларини бошқариш агентлиги
10.	Кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида маълумот.	2026 йил март	Кадастр агентлиги
11.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ID-карталари тўғрисидаги маълумотлар (1-шакл); Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинча ва доимий рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш биометрик паспортлари тўғрисидаги маълумотлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тўғрисидаги маълумотлари; жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар.	2026 йил март	Ички ишлар вазирлиги
12.	Якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия тизими маълумотлари (жисмоний шахслар ва иш берувчилар).	2026 йил март	АТ “Халқ банки”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 18 декабрдаги ПФ–254-сон Фармони
6-илова

“Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими доирасида фонд биржасининг тегишли майдончасида ва инвестиция воситачисининг электрон платформасида молиявий инструментлар савдосини ташкил этишга рухсат бериш ва уларнинг муомалада бўлишини ташкил этишнинг АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

1. Хорижий биржа индексларида киритилган акциялар, хорижий компанияларнинг облигациялари ва давлат облигациялари, савдо қилинадиган биржа фондлари (ETF), индекс фондларининг қимматли қоғозлари ва хорижий компанияларнинг депозитар тилхатлари фонд биржасининг тегишли майдончасига ва инвестиция воситачисининг электрон платформасига киритилиши мумкин бўлган воситалар учун базавий актив бўлиши мумкин.
2. Фонд биржасининг тегишли майдончасига ва инвестиция воситачисининг электрон платформасига рухсатнома олиш учун рухсатнома ташаббускори (инвестиция воситачиси, банк, шу жумладан, чет эллик номинал сақловчи) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига рухсатномага таклиф этилаётган инструментлар бўйича базавий активларнинг турлари ва сонини кўрсатган ҳолда ариза беради.
3. Рухсатнома олиш ташаббускори қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан маъқулланган базавий активларни Марказий депозитарийнинг хорижий юрисдикциялардаги корреспондентлик ҳисобварағига ўтказиши керак.
4. Марказий депозитарий уларни фонд биржаларининг тегишли майдончасида жойлаштириш ва муомалада бўлиши учун маъқулланган базавий активларга мутаносиб равишда махсус индивидуал идентификация рақамини берган ҳолда инструментларнинг тегишли сонини яратади, шунингдек, уларнинг эгалари реестрини юритади.
5. Фонд биржасининг тегишли майдончасида ва инвестиция воситачисининг электрон платформасида фақат чет эл юрисдикцияларидаги Марказий депозитарийнинг корреспондентлик ҳисобварағида базавий активлари олдиндан депонентланган инструментлар жойлаштирилиши ва муомалада бўлиши мумкин.

6. Фонд биржасининг тегишли майдончасида ва инвестиция воситачисининг электрон платформасида тузилган битимлар якунлари бўйича молиявий воситалар ва пул маблағлари бўйича клиринг ва ҳисоб-китоблар Марказий депозитарийнинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.
7. Корпоратив ҳаракатлар, шу жумладан, дивидендлар олиш, фонд биржасининг тегишли майдончасида ва инвестиция воситачисининг электрон платформасида муомалада бўлган воситалар бўйича овоз бериш бўйича мижозларнинг йўриқномаларини бериш Марказий депозитарий орқали амалга оширилади.
8. Фонд биржасининг тегишли майдончасида ва инвестиция воситачисининг электрон платформасида инструментларга рухсатнома бериш ташаббускорининг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ташаббусига кўра бекор қилинган тақдирда, Марказий депозитарий тегишли яратилган инструментларни бекор қилади ва базавий активни рухсатнома олиш ташаббускорининг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг хорижий юрисдикциядаги ҳисобварағига қайтаради.

**Давлат рўйхатидан ўтказишда ҳужжатларни кўриб чиққанлик учун
қимматли қоғозлар эмитентлари томонидан тўланадиган йиғимлар
миқдорлари**

Т/р	Кўриб чиқиладиган ҳужжатларнинг турлари	Йиғим миқдори
1.	Корпоратив облигациялар чиқарилиши	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари
2.	Корпоратив облигациялардан ташқари бошқа қимматли қоғозларнинг чиқарилиши	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари
3.	Корпоратив облигациялардан ташқари илгари рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари
4.	Илгари рўйхатдан ўтказилган корпоратив облигациялар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари

**Капитал бозори иштирокчилари фаолиятининг очиқлиги
ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларга қўйиладиган
АЛОҲИДА ТАЛАБЛАР ВА ҚОИДАЛАР**

- 1.** Чет эллик номинал сақловчилардан (шу жумладан, банк-кастодианлардан), инвестиция воситачиларидан ёки Марказий депозитарийдан чет эллик инвестор томонидан фонд биржасида қимматли қоғозларни сотишдан олинган чет эл валютасидаги маблағларни, шунингдек, дивидендлар, фоизлар (купонлар), облигацияларни сўндириш ёки қимматли қоғозлардан олинган бошқа даромадларни конвертация қилиш ва репатриация қилиш жараёнида ҳар қандай ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади, чет эллик инвесторнинг уларга тегишли мурожаати (шу жумладан, электрон шаклда олинган мурожаати) бундан мустасно.
- 2.** Инвестиция воситачилари миждозларининг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПК–291-сон қарорига 3-илованинг 1-бандида назарда тутилган ахборотнинг махфийлигини ва инвестиция воситачилари миждозларининг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган алоҳида банк ҳисобварағида сақланади.
- 3.** Марказий депозитарий чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича ҳисобга олишни ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тан олинган чет эл юрисдикцияларининг банкларида, кастодианларида, халқаро ва миллий марказий депозитарийларида пул ва депозитар ҳисобварақлар очишга ҳақли.
Бунда Марказий депозитарий фонд биржасининг тегишли майдончасида ёки инвестиция воситачисининг электрон платформасида қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар натижалари бўйича клирингни, шунингдек, хорижий валютадаги ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингидан камида бир поғона паст халқаро кредит рейтингга эга бўлган ёки миллий рейтинг шкаласи бўйича унга тенглаштирилган, ўзи ўтказган танлов натижаларига кўра танлаб олинган агент-банк орқали амалга оширади.

4. Инвестиция воситачилари ҳар чорақда, ҳар бир календарь чорақ тугагандан кейин 30 кундан кечиктирмай молиявий ҳисоботни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида эълон қилишлари шарт.
5. Халқаро қимматли қоғозлар эмитентлари уларни чиқариш тўғрисидаги ахборотни қимматли қоғозларни чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор қилади.
6. Корпоратив облигациялар бўйича фоизларни (купонларни) тўлаш ва уларни сўндириш фақат Марказий депозитарий орқали амалга оширилади.
7. Корпоратив облигацияларни жойлаштириш тўғрисидаги ахборот 3 иш куни мобайнида Марказий депозитарий томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган кредит бюросига мажбурий тартибда тақдим этилади.
8. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги қимматли қоғозлар эмитентларининг қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги уларнинг шаффофлиги ва қонун ҳужжатларига риоя этилишини баҳолашни назарда тутувчи рейтингини юритади ҳамда рейтинг асосида тегишли таъсир чоралари (чиқарилган қимматли қоғозлар муомаласини тўхтатиб туриш, янги қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказишни рад этиш, корпоратив облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни ва улар бўйича фоизлар (купонлар) тўлашни талаб қилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар) қўллаши мумкин.
9. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланганда инвестиция воситачилари томонидан амалга ошириладиган брокерлик, андеррайтинг ва депозитар операциялар ўтказилишини уч ойгача муддатга чекловчи мажбурий кўрсатмалар бериш, шунингдек, профессионал иштирокчи малака аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 18 декабрдаги ПФ–254-сон Фармони
9-илова

**Капитал бозорини янада ривожлантириш ва инвестициялар хавфсизлигини кафолатлашга оид қўшимча
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар	Ижро муддати
1.	Мазкур Фармоннинг 3-банди “ж” кичик банди ва 8-илованинг 1-банди талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ лицензия олган инвестиция воситачилари иштирокисиз жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида инвестиция воситачиларининг ҳисобварақларини тўлдириш имконияти билан чет элдаги брокерлик ёки инвестиция ҳисобварақларини тўлдириш учун банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказишни тақиқлашни назарда тутувчи капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга оширишнинг янгиланган тартибини тасдиқлаш.	Марказий банк Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан келишган ҳолда	2026 йил апрель
2.	Марказий депозитарийни облигациялар эмитентлари тўғрисида кредит бюроси билан ахборот алмашишнинг автоматлаштирилган тизими иштирокчилари қаторига киритиш, шунингдек, эмитентнинг кредит тарихини шакллантириш ва унинг скорингини амалга оширишда корпоратив облигациялар эмитентлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	Марказий банк, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2026 йил апрель

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар	Ижро муддати
3.	Қўйидагиларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кириш: (а) Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунида Агентликка қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори йўналишида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жарималарни мустақил белгилаш ва қўллаш ҳуқуқини бериш. Бунда: қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва малака сертификатига эга бўлган шахсларга нисбатан табақалаштирилган жарималарни қўллаш; Корпоратив ахборот ягона порталида (кейинги ўринларда – Портал) ахборотни ўз вақтида ошкор этмаганлик учун қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида пеня ҳисобланиши, ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунга ва пеня тўлангунга қадар Порталга киришни чеклаш; (б) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш учун жавобгарлик чораларини жорий этиш; (в) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима миқдорини ошириш кўзда тутилади.	Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2026 йил июль

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар	Ижро муддати
4.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, “облигация эгаларининг вакили”, “малакали инвестор” ва “малакасиз инвестор” тушунчаларини, шунингдек, қимматли қоғозлар ва инвестиция маҳсулотларининг айрим турларини малакасиз инвесторлар ўртасида жойлаштириш бўйича чекловларни ўрнатиш.	Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2026 йил май
5.	Инвестиция ва пай фондларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартибини такомиллаштиришни (шу жумладан, ҳар хил турдаги активлар (қимматли қоғозлар, улушлар, пайлар, кўчмас мулк объектлари ва бошқалар) билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини беришни) назарда tutувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2026 йил май
6.	Марказий депозитарий орқали облигациялар бўйича фоизларни (купонларни) тўлаш ва уларни сўндириш тартибини ишлаб чиқиш.	Агентлик Марказий банк билан келишилган ҳолда	2026 йил апрель
7.	Эмитентлар рейтингини юритиш ва ушбу рейтинг асосида таъсир чораларини, шу жумладан, эмитентлар фаолиятини чеклаш чораларини қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Агентлик	2026 йил июль
8.	Қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўзилишини аниқлаш ва қонун ҳужжатларини бузувчиларга нисбатан молиявий санкциялар ва маъмурий жарималар тарзидаги жавобгарлик чораларини кўриш жараёнларини автоматлаштириш бўйича зарур чораларни кўриш.	Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2026 йил апрель

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар	Ижро муддати
9.	Рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг ижобий кўрсаткичларини ҳисобга олмаган ҳолда, шунингдек, таъминотсиз ўз капитали миқдоридан ортиқ корпоратив облигацияларни чиқаришга рухсат бериладиган эмитентнинг барча мажбуриятларининг ўз капиталига нисбатини белгилаш бўйича нормативини тасдиқлаш.	Агентлик	2026 йил апрель
10.	Қўйидагиларни “Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими доирасида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: (а) чет эл валютасидаги облигацияларни чиқариш тартиби тўғрисидаги низом. Низомда облигациялар чиқарилишига қўйидаги талаблар назарда тутилади: эмитентнинг навбатдаги чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза берилган кунда бундай корпоратив облигациялар чиқарилишининг ҳажми ва муомаладаги аввалги чиқарилишларининг сўндирилмаган ҳажми суммаси 50 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги зарур. Эмиссиянинг умумий ҳажми Агентлик томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда белгиланади; қимматли қоғозларни чиқариш шартлари облигациялар эгаларида бундай облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш ҳуқуқининг пайдо бўлишига олиб келадиган Агентлик томонидан белгиланадиган молиявий ва (ёки) операцион ковенантларни (чекланган кўрсаткичлар ёки шартлар), шу жумладан, уларнинг мажбурий рўйхатини ўз ичига олади; қимматли қоғозларни чиқариш шартларида макроиқтисодий вазият кескин ўзгарган тақдирда Агентлик, шу жумладан Марказий банкнинг мурожаатига кўра, Агентлик томонидан белгиланадиган тартибга	Агентлик	2026 йил апрель

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар	Ижро муддати
	мувофиқ облигациялар чиқарилишини уч ойдан кам бўлмаган муддатда муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги изоҳ бўлади; чет эл валютасидаги облигацияларни “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖда ҳисобга қўйилади; (б) хорижий биржа индексларига киритилган акциялар, хорижий компанияларнинг облигациялари ва давлат облигациялари, сотиладиган биржа фондлари (ETF), индекс фондларининг қимматли қоғозлари ва хорижий компанияларнинг депозитар тилхатларига рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низом. Бунда Низомда қўйидаги нормалар назарда тутилсин: мазкур кичик бандда кўрсатилган молиявий инструментларни қарз маблағлари ҳисобидан сотиб олиш тақиқланади; қимматли қоғозлар билан операциялар қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ички назорат қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, шу жумладан, миждозларнинг шахсини текшириш (КУС) ва пул маблағлари манбаларини аниқлаш; тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар солиқ органларига ва тегишли ваколатли органларга тақдим этилади.		2026 йил июль
11.	Хорижий валютадаги облигацияларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи, хорижий қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи учун ихтисослаштирилган майдончаларни ташкил этиш, шунингдек, фонд биржасининг амалдаги дастурий таъминотини умумий модернизация қилиш ёки алмаштириш учун фонд биржасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тўғрисидаги масалаларни “Тошкент” Республика фонд биржаси Кузатув кенгаши ва акциядорларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш.	Давлат активларини бошқариш агентлиги	2026 йил февраль

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар	Ижро муддати
12.	Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни, фонд биржаси ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдолари ташкилотчиси фаолиятини, инвестиция маслаҳатчиси, суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари фаолиятини махсус электрон тизим орқали лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш.	Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар	2026 йил апрель
13.	Агентлик билан биргаликда: “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУКнинг иштирокчи сифатидаги ҳуқуқлари; Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда жойлашган бинони Давлат активларини бошқариш агентлигига беғараз бериш масаласини кўриб чиқиш.	Давлат активларини бошқариш агентлиги	2026 йил февраль–март
14.	Давлат активларини бошқариш агентлиги: “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУКни масъулияти чекланган жамият шаклида қайта ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда жойлашган бинони мазкур масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталини ошириш ҳисобига баланс қийматида ўтказиш; “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖнинг акциядорлар умумий йиғилишида “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” МЧЖнинг 100 фоиз улушини баланс қиймати бўйича “Тошкент” Республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти давлат улушини ошириш ҳисобига ўтказиш масаласи кўриб чиқирилишини таъминлаш.	Давлат активларини бошқариш агентлиги	2026 йил март–апрель
15.	“Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖни Корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz) оператори этиб белгилаш масаласини кўриб чиқиш.	Агентлик, Рақамли технологиялар вазирлиги	2026 йил март

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5177-сон Фармони 3-бандининг иккинчи хатбошиси “халқаро тўлов карталари орқали тўловлар” сўзларидан кейин “шунингдек, капитал бозори соҳасида “Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими доирасида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан операциялар” сўзлари билан тўлдирилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–244-сон Фармони 1-илованинг изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“Изоҳ: Вазирлар Маҳкамасига мазкур рўйхатга келгусида бошқа йўналишларни ҳам киритиш ҳуқуқи берилади, бундан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги назорат қиладиган соҳалар мустасно”.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ–158-сон Фармони 1-илованинг 49-позицияси “2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари” устунида:
(а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
(б) учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–16-сон Фармони 6-илованинг 18-позицияси чиқариб ташлансин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3150-сон қарорида:
(а) 3-банднинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“б) Агентлик:

крипто-активлар айланмасини, капитал бозори ва суғурта бозорини, электрон тижоратни, Интернет жаҳон ахборот тармоғида лотереялар, таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини, шу жумладан, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини тартибга солиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда, шунингдек, крипто-активлар айланмаси, капитал бозори ва суғурта бозори, электрон тижорат, лотереялар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва букмекерлик фаолияти соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланиш ҳуқуқига эга”;

(б) илованинг 10-бандида:

(i) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“лицензиялашда, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларида, шунингдек, тартибга солинадиган соҳалардаги фаолиятни тартибга солишда ва назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланиш”;

(ii) тўртинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–415-сон қарорига илованинг 10-позицияси чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–291-сон қарорида:

(а) 2-иловада:

(i) 4-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Депозитар банк (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида халқаро бозорларда давлат акция пакетларини IPO/SPO орқали сотишда иштирок этаётган резидент-эмитентларнинг акцияларига нисбатан ҳуқуқларни тасдиқловчи глобал депозитар тилхатларнинг хорижий эмитенти) (кейинги ўринларда – депозитар банк деб юритилади) Махсус ҳуқуқий режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган кастодиан маълумотлари асосида ўз номидан кастодианда ва Қимматли қоғозлар марказий

депозитарийсида резидент-эмитентларнинг акциялари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни бериш ҳуқуқига эга”;

(ii) қуйидаги мазмундаги 11– 15-бандлар билан тўлдирилсин:

“11. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга, шу жумладан инвестиция фондларига, уларга тегишли бўлган ва улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга нисбатан Тартибга солиш қумдони хорижий иштирокчилари томонидан кастодиал хизматлар ва номинал сақлаш хизматлари кўрсатилишига рухсат этилади.

12. Депозитар банк мазкур илованинг 4-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган қимматли қоғозларга нисбатан қуйидаги ҳуқуқларга эга: Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида қимматли қоғозлар ҳисобварақларини очиш;

қимматли қоғозларни чет эл номинал ҳисобварағидан бенефициар эгасини ўзгартирмаган ҳолда (ёки хорижий номинал ҳисобварақ) “қимматли қоғозларни тўловсиз етказиб бериш” (Free of Payment transfer of securities) орқали ўтказиш.

13. Қимматли қоғозларнинг чет эллик номинал сақловчиси ва депозитар банк ўзининг номинал сақлашида бўлган акциялар билан берилган акциядорнинг барча ҳуқуқларини ўз мижозлари - чет эллик бенефициар эгалари ва (ёки) қимматли қоғозларнинг бошқа чет эллик номинал сақловчилари номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз мижозларининг топшириғига биноан, бундай чет эллик бенефициар эгалари ва (ёки) қимматли қоғозларнинг бошқа чет эллик номинал сақловчилари номидан вакиллик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳеч қандай ишончномаларсиз амалга оширишга ҳақли.

Агар чет эллик номинал сақловчи ёки депозитар банкда бир эмитентнинг бир турдаги акциялари бир нечта мижоз учун номинал сақланаётган бўлса, қимматли қоғозларнинг чет эллик номинал сақловчиси ёки депозитар банк акциядорнинг ҳуқуқларини бундай шахслардан олинган алоҳида топшириқлар асосида ҳар бир мижозга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда амалга оширади. Бунда қимматли қоғозларнинг чет эллик номинал сақловчиси ёки депозитар банки, агар номинал сақлов шартномаси шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кун тартибидаги айни бир масала бўйича бундай шахсларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда алоҳида-алоҳида овоз бериши мумкин.

14. Акциядорлик жамияти – эмитент устав фондини кейинчалик камайтириш ёки сотиб олинган акцияларни қайта сотиш мақсадида депозитар банк ёки хорижий номинал сақловчидан, депозитар тилхат эгалари манфаатида ҳисобга олинаётган акцияларни тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқига эга.

“Эмитент-акциядорлик жамияти кейинчалик устав фондини камайтириш ёки қайта сотиш мақсадида депозитар тилхатларнинг хорижий бенефициар эгалари манфаатларини кўзлаб бундай акциялар бўйича ҳуқуқларни ҳисобга олувчи хорижий номинал сақловчи ёки депозитар банкдан ҳисоб-китоблар ва ҳисобни юритиш шарти билан, шу жумладан Махсус ҳуқуқий режим доирасида фаолият юритишга рухсат берилган кастодиан орқали ўз акцияларини тўғридан-тўғри сотиб олишга ҳақли. Агар ҳаракатлар Махсус ҳуқуқий режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган кастодиан орқали амалга оширилса, мазкур операцияни амалга ошириш учун эмитент ва депозитар банк Махсус ҳуқуқий режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши талаб этилмайди.

15. Махсус ҳуқуқий режим доирасида корпоратив низоларга тааллуқли бўлган ҳамда эмитентнинг қимматли қоғозларини депозитар тилхатлардан фойдаланган ҳолда хорижий бозорларда жойлаштириш ва муомалада бўлишидан, шунингдек эмитентнинг, кастодиан, чет эллик номинал сақловчининг, депозитар банкнинг ва депозитар тилхатлар эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришдан келиб чиқадиган ёки эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари устидан шикоят билдириш билан боғлиқ низолар тарафларнинг келишувига кўра халқаро тижорат арбитражига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин”;

(б) 3-иловининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Қимматли қоғозлар эгалари тўғрисидаги маълумотлар чет эллик номинал сақловчилар томонидан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг, монополияга қарши курашиш органининг, солиқ органларининг, судларнинг, тергов ва суриштирув органларининг сўровига кўра, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича юборилган ҳолларда ва тартибда тақдим этилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида омнибус-ҳисоб рақамига эга бўлган чет эллик номинал сақловчилар, шунингдек депозитар банклар бошқа чет эллик номинал сақловчилар томонидан қимматли қоғозларнинг чет эллик бенефициар эгаси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда ва тегишли тартибда тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди”;

(в) 4-иловада:

(i) 19-позиция чиқариб ташлансин;

(ii) 32-позициянинг 2-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(г) 2 ва 4-иловалардаги тегишли келишиқдаги “кастодиан банк” сўзлари тегишли келишиқдаги “кастодиан” сўзи билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон–2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарорига 2а-илованинг 19-позицияси чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 16 ва 24-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Изоҳ: мазкур илованинг 9 ва 10-бандлари 2026 йил 1 июлдан кучга киради.

